



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI PREZIDENTINING
BUYRUG'I**

2021-yil 29-dekabr

№ 20-194

Тошкент ш.

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича Фанлар академияси харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда мазкур Қонуннинг 85-моддасига асосан 2022 йил 1 январдан эътиборан энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомилларини мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказиш тўғрисидаги талабни амалга ошириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунининг 85-моддасига асосан 2022 йил 1 январдан эътиборан энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш тартиб-таомиллари мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилиши инobatга олинсин.

2. Давлат харидларини амалга ошириш бўйича Фанлар академияси харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фанлар академияси харид комиссияси (Б.Н. Кадилов) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонунига риоя этган ҳолда Бошқарув аппарати эҳтиёжларидан келиб чиқиб, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун танловларни ўтказиб борсин.

4. Фанлар академияси харид комиссияси (Б.Н. Кадилов) матбуот хизмати (М.Ю.Жуманова) ва ахборот технологияларни ривожлантириш шўъбаси (Н.Б. Тилолов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони 1-илоvasи 5-бандига асосан давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин Фанлар академияси расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентининг 2017 йил 17 апрелдаги 20-84/1-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда колдираман.

ЎЗР ФА президенти в.в.б.



Б.Т. ИБРАГИМОВ



**Давлат харидларини амалга ошириш бўйича
Фанлар академияси харид комиссияси таркиби**

1. Кадиров Б.Н	– ЎзР ФА ишлар бошқарувчиси (комиссия раиси)
2. Абдурахманова Н.А.	– ЎзР ФА умумий бўлими бошлиғи
3. Якубова М.М.	– ЎзР ФА бош ҳисобчиси
4. Джураева М.М.	– ЎзР ФА молия-иктисод бўлими бошлиғи
5. Булолов Ф.С.	– ЎзР ФА моддий фондлар бўйича бош мутахассис

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юклатилган шахслар киритилади.